

Бақара сураси, 39-оят

10:10 / 20.08.2017 4687

Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса - ўшалар олов соҳибларидир, улар унда мангу қолувчидирлар. Бақара 39.

Аллоҳнинг ҳидоятига эргашмаганларни Аллоҳ таоло лўнда қилиб, «куфр келтирганлар» деб қўяқолган. Уларнинг эришадиган оқибатлари аниқ: улар дўзахга тушадилар ва ўша ерда абадий қоладилар.

Эътибор қилинса, мазкур қиссада жуда кўп ибратлар бор бўлиб, уларнинг айримлари зикр қилиб ўтилди. Уламоларимиз яна бошқа ибрат ва ҳикматларни санаганлар. Ҳаммасини келтирамиз, десак, гап чўзилиб кетади.

Охирги оятларда Аллоҳ таоло ҳидоят юбориши, унга ким эргашса, нажот топиб, ким куфр келтирса, дўзахга тушиши айтилди. Келаси оятларда Бану Исроилга нидо қилинади. Бу қавмга ўтмишда ҳидоят тушган, пайғамбар юборилиб, илоҳий китоб нозил қилинган эди. Бунинг устига, Бану Исроил қавмидан бўлган баъзилар Қуръон тушаётган жойда - Мадинаи Мунавварада мусулмонлар билан бирга яшар эдилар. Улар арабларнинг Авс ва Хазраж номли қабилаларига: «Яқинда охирзамон пайғамбари чиқади, у пайғамбарнинг бундай-бундай сифатлари бор, ўша пайғамбарга иймон келтирамиз-да, сиз арабларнинг додингизни берамиз», дейишар эди.

Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлганларида, яҳудийлар айтиб юрган сифатларни шу кишида кўриб, араблар иймон келтирдилар, аммо яҳудийларнинг ўзлари иймон келтирмадилар.

Набий алайҳиссалом бошлиқ мусулмонлар Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб, ерлик мусулмонлар билан дўст-биродар бўлиб, янги жамият қуриб яшай бошладилар. Натижада яҳудийлар аҳли китоблик, маданийлик, иқтисодий юксаклик ва бошқа жиҳатдан афзалликларини йўқотдилар. Кечагина уларнинг оғзига қараб турадиган Авс ва Хазраж араблари бугун ўзлари янги илоҳий Китоб (Қуръон) аҳлидан бўлиб, яҳудийларга гап ўргатадиган бўлиб қолдилар. Буни кўтара олмаган яҳудийлар янги динга, Пайғамбарга ва унга эргашганларга қарши турли душманликлар қила бошладилар. Аслини олганда, Мадина яҳудийлари биринчи бўлиб мусулмон

бўлишлари керак эди. Чунки улар бу ишнинг бўлишини аввалдан яхши билар, бу ҳақда гапириб ҳам юрар эдилар.